



ООО "XB FINANCE KONSULTING" AO

«Норин пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг  
2018 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботиغا

Ижобий фикр билдирилган

**АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

*Жамият таъсисчилари ва раҳбариятига*

**Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот**

**Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "XB FINANCE KONSULTING" аудиторлик ташкилоти.**

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси 15 уй.  
тел: +233-02-10, 233-02-04.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 11.05.2005 йилда реестр № 321 рақам билан рўйхатга олинган ва 1018 сонли гувоҳнома берилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 15 май 2008 йилда берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказишга рухсат берувчи 00676-сонли Лицензия.

20 208 000 604 408 712 001, «DAVR BANK» ХАТБ Чилонзор филиали, МФО 01046.

Аудиторлик ташкилоти директори: Рузимов Мансурбек Султанович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабрда берилган № 05540 сонли аудитор малака сертификатиغا эга.

**Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот**

**«Норин пахта тозалаш» акциядорлик жамияти**

Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Норин тумани, Ҳаққулбод шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 78 уй. Телефон 0369 61 22 990.

Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави 2015 йил 1 апрел куни Норин туман ҳокимлиги ҳузуридаги "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш инспекцияси" томонидан 033 сон билан қайта рўйхатга олинган.

Х/ рақами 20210000600470677001, ИАТ «Агробанк» Ҳаққулбод бўлими, МФО(банк коди) 00236.      СТИР 200084183      ИФУТ 13101

Жамият Бош директори: Раҳимов Ш.Э.

Молия директори: Аҳмедов З.



Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги "XB FINANCE KONSULTING" аудиторлик ташкилотининг аудитори Тожибоев Обиджон Тухтасинович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 22-октябрда берилган №04761 "Аудитор малака сертификати", аудиторлик ташкилоти билан «Норин пахта тозалаш» акциядорлик жамияти ўртасида 2018 йил 16 январ куни тузилган 50/24-19 сонли шартномага асосан «Норин пахта тозалаш» акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган "Бухгалтерия баланси" – № 1 шакл, "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" – № 2 шаклларида иборат 31.12.2018 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончилигини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

### **Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### **Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Норин пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бўзиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### **Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Норин пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Аудитор

Хулоса тузилган сана

27.04.2019 йил М.Ў



*(Handwritten signature)*

М.С.Рузимов

О.Т.Тожибоев